
"Долзарб 30 кун" доирасида амалий машғулотлар ўтказилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 5 июль кунги фармойиши асосида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича 10 июлдан 10 августга қадар эълон қилинган "Долзарб 30 кун" доирасида, Бағдод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан бир қатор амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Жумладан, тумандаги буюм бозорида ўтказилган навбатдаги машғулотда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар содир бўлган вақтларда фуқароларнинг ҳаракати юзасидан зарур тавсия ва тушунчалар берилди, профилактик суҳбатлар олиб борилди.

Барча фуқароларни "Долзарб 30 кун" тадбирларида фаол иштирок этишга чақирамиз.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-07-21 15:58:08